

ЁНГИНЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ СОҲАСИДА МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР

Ў.Т.Музафаров

Доцент (Фавқулодда вазиятлар вазирлиги),

М. Н. Мусаев

т.ф.н., профессор (Тошкент давлат техника университети),

И.У.Маджидов

т.ф.д., профессор (Ўзбекистон Миллий университети),

М.Р.Досчанов

т.ф.ф.д.(Phd), доцент (Фавқулодда вазиятлар вазирлиги),

А. Т. Очилов

(Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш маркази)

Жаҳонда бир йилда қайд этиладиган ёнгинлар сони 10–12 миллионга, қурбонлар сони 100–120 минг кишига, жароҳатланганлар сони эса 350–400 мингтага етади. Юртимизда эса йилига ўртача 11 мингдан зиёд ёнгин ҳисобга олинади. Ёнгинлар ҳар йили ўртача 300 нафардан зиёд кишининг жароҳат олишига, энг ачинарлиси, 130 нафарга яқин одамларнинг барвақт ўлимига олиб келади. Инсонлар ҳаётини, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкини ёнгиндан муҳофаза қилиш Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг асосий вазифаларидан бири саналади. Бугунги кунда уй-жой фондида, ташкилотлар ва бошқа ҳаёт фаолиятини таъминловчи объектларда ёнгинлар келиб чиқиши эҳтимолини истисно этишга ва уларнинг оқибатларини камайтиришга қаратилган ёнгинлар профилактикасини амалга ошириш давлат ёнгин назорати органининг зиммасига юклатилган.

Ушбу вазифаларни бажариш мақсадида Давлат ёнгин назорати органлари туну-кун ёнгинларнинг келиб чиқиш эҳтимолини истисно этишга ва уларнинг оқибатларини камайтиришга қаратилган огоҳлантириш чора-тадбирлари, яъни ёнгинлар профилактикасини мунтазам равишда амалга оширилмоқда. Шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари ҳамда фуқароларнинг ёнгин хавфсизлиги талабларини бажаришлари юзасидан давлат ёнгин назорати органлари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда назоратни амалга ошириш ва аниқланган қоида бузишларни бартараф этиш ва (ёки) уларнинг олдини олиш чораларини кўриш бўйича энг муҳим вазифаларни бажаришмоқда. Бироқ,

ёнғинлар профилактикаси таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган ишларга қарамасдан, аҳоли яшаш масканлари, ишлаб чиқариш объектлари ва тадбиркорлик субъектларига қарашли объектларда ва бошқа масканларда ҳамон ёнғинлар содир бўлаётганлигини кўриш мумкин.

Айниқса инсонлар ҳаётига ва атроф-муҳитга катта зиён келтираётган йирик ва ўзига хос ёнғинлар содир бўлаётгани ачинарли ҳолат ҳисобланади.

Шунинг учун республикамизда ёнғинлар профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ёнғин хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда сўнги пайтларда содир бўлаётган йирик ёнғинлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар ва ёнғин натижасида кўрилаётган моддий ва маънавий зарарлар ушбу соҳани тубдан ислоҳ қилиш, ёнғинлар профилактикаси самарадорлигини оширишга қаратилган ишларни янада жадаллаштириш ва ривожланишига доир илмий-тадқиқот ишларига эҳтиёж пайдо бўлмоқда. Ёнғинлар профилактикаси самарадорлигини ошириш жуда муҳим, чунки бу фуқароларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, иқтисодий йўқотишларни камайтириш ва экологик зарарларни минимизация қилишга ёрдам беради. Профилактика бўйича амалга ошириладиган чоралар ўз вақтида ёнғинларнинг олдини олиш ва уларни тизимли бошқаришда катта аҳамиятга эга.

Тадқиқот иши давомида дунёнинг ривожланган давлатлари АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Япония, Австралия, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон ҳамда Россия Федерациясининг ёнғинлар профилактикаси соҳасидаги муҳим тажрибалари ўрганилди. Республикамизда ёнғинларнинг олдини олиш ва самарали бартараф этиш, шу жумладан инсонларнинг мол-мулкини ҳамда атроф-табiiй муҳитни ёнғинлардан муҳофаза қилиш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни амалга ошириш, ёнғинларга қарши курашишнинг комплекс тизимини шакллантириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Давлат ёнғин назорати йўналишидаги илмий тадқиқотлар юзасидан асосан ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ёнғинларнинг олдини олиш, ёнғин ўчириш воситалари ва технологияларини такомиллаштириш ҳамда норматив-ҳуқуқий базани ривожлантиришга қаратилган йўналишларда қатор олимлар ва тадқиқотчилар фаолият юритиб, ўз илмий ишларини тақдим этганлар. Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш борасида хорижда Н.В.Баранов, В.Д.Верещагин, О.М.Попова, Ю.А.Воробьёв, А.М.Суханов, Г.И.Шелехов, В.Н.Бутков, Д.Уотсон, П.Ватсон, Т.Вандерс ва бошқа тадқиқотчилар ўзларининг хиссаларини қўшганлар. Қуйида жаҳонда машҳур тадқиқотчилар ва уларнинг ишлари ҳақида қисқача маълумот берилган:

Н.В.Баранов (РФ) – собиқ иттифоқ (СССР) даврида ёнғин хавфсизлиги ва давлат ёнғин назорати тизимига оид асосий тадқиқотчилардан бири. У ёнғин профилактикасига қаратилган қонунчилик асосларини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшган.

В.Д. Верещагин (РФ) – ёқилғи-энергетика объектлари учун ёнғин хавфсизлиги технологияларини ишлаб чиқиш соҳасида илмий ишлар қилган. Унинг тадқиқотлари индустриал объектларда ёнғин хавфини таҳлил қилишга йўналтирилган. О.Попова (РФ) – жаҳон мамлакатларидаги ёнғин назорати тизимларини ўрганиб, уларни қиёсий таҳлил қилишга эришган. У ёнғин хавфсизлигининг халқаро стандартлари яратиш бўйича изланишлар олиб борган. Ю.А. Воробьев (РФ) – ёқилғиларнинг ёнувчанлик хусусиятлари ва уларни назорат қилиш технологиялари бўйича тадқиқотлар ўтказган. Россиядаги замонавий ёнғин хавфсизлиги таълим йўналишининг асосчиларидан бири. А.М.Суханов (РФ) – ёқилғи материаллари ва қурилиш объектлари учун ёнғин хавфсизлиги бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган. Унинг ишлари ёнғин хавфини баҳолаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган. Г.И.Шелехов (РФ) – Давлат ёнғин назорати тизимини бошқарув концепциясини ишлаб чиққан. Унинг тадқиқотлари ёнғинларнинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатларини таҳлил қилишга қаратилган. В.Н. Бутков (РФ) – турли объектларда ёнғин хавфини назорат қилиш методологиясини ишлаб чиққан. Универсал ёнғин детекторлари ва хавфни баҳолаш технологияларини илгари сурган. Д. Уотсон (АҚШ) – NFPA (National Fire Protection Association) мутахассиси бўлиб, ёнғин хавфини камайтиришга оид илмий асосланган йўриқномалар ва стандартларни яратиш йўналишида изланишлар олиб борган. П.Ватсон (Буюк Британия) – ёнғинларнинг ижтимоий оқибатлари ва хавфсизлик тизимларини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб борган. Унинг ишлари қурилиш объектларининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Т. Вандерс (Германия) – европа давлатларида ёнғин хавфсизлигига оид норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича изланишлар олиб борган. Шунингдек, у турли ёнғин ўчириш тизимлари бўйича тадқиқотлар ўтказган.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда давлат ёнғин назорати фаолиятини такомиллаштириш борасида Ш.М.Азизов, Б.Э.Касимов, Б.Ҳомидов, Р.Ҳ.Нормуродов, Ш.И.Каримов, И.Ю.Умаров, Р.М.Абдуллаев, Д.Я.Иргашева, Э.Ш.Назирова, Ж.Д.Муқимов, А.И.Мусаев, Л.А.Камолов, И.М.Бойназаровларнинг илмий ишларида батафсил ёритилган ва маълум даражада ижобий натижаларга эришилган. Булардан айримларини қуйида кўриб чиқиш мумкин.

Ш.М.Азизов – Ўзбекистонда давлат ёнғин назоратининг ҳуқуқий асослари ва амалиёти бўйича тадқиқотлар олиб борган. У мамлакатимиздаги ёнғин профилактикаси тизимини такомиллаштириш бўйича бир нечта тавсиялар ишлаб чиққан. Б.Э.Касимов – Ёнғиндан сақлаш хизматида бошқарувни ташкил этиш йўналишида тадқиқотлар олиб борган.

Б.Ҳомидов – Ўзбекистонда давлат ёнғин назоратининг маҳаллий хусусиятлари ва халқаро тажриба асосида такомиллаштириш йўналишида тадқиқотлар олиб борган. Р.Ҳ.Нормуродов ва Ш.И. Каримов каби олимлар ҳам ёнғин хавфсизлиги соҳасида бир қатор тадқиқотлар олиб борган. Булар хавфсизлик тизимлари, ёнғин ускуналари

самарадорлиги ёки ёнғиннинг олдини олиш стратегиялари бўйича ишларга алоҳида эътибор қаратишган.

И.Ю.Умаров – техник хавфсизлик ва ёнғин хавфини таҳлил қилиш бўйича илмий ишлар олиб борган. Р.М.Абдуллаев – ёнғиндан ҳимоя воситалари ва уларнинг ишлаб чиқилишига қаратилган йўналишда изланишлар олиб борган.

Ушбу илмий-тадқиқот ишида ёнғинлар таҳлилини икки қисмга ажратиб, ёритишни лозим топдик. Биринчиси, дунёда содир бўлган ёнғинлар таҳлили, иккинчиси, Ўзбекистонда содир бўлган ёнғинлар таҳлили асосида кўриб чиқамиз. Ҳар йили дунёда тахминан 3–4 миллион ёки ундан кўпроқ ёнғинлар рўй беради. Ёнғинларнинг энг катта улуши ўрмон ёнғинларига тўғри келади. Улар сони йилига ўртача 300 мингдан 500 мингтагача етади. Ёнғинларнинг дунё миқёсидаги молиявий зиёни йилига 50 миллиард доллардан ошади. Ҳар йили тахминан 30 минг ёки ундан кўпроқ одамлар ёнғинлар туфайли ҳаётдан кўз юммоқда, 250 мингдан ортиқ киши тан жароҳати олади. Ёнғинлар хавфига кўра давлатлар рейтингига эътибор қаратадиган бўлсак, АҚШда ҳар йили 1,3 миллиондан ортиқ ёнғин рўй бериб, келтирилган зарар миқдори 6 миллиард доллардан ортиқни ташкил этади. Россияда ҳар йили 300 мингдан ортиқ ёнғинлар рўй беради ва улардан келган молиявий зарар 9 миллиард долларни ташкил этади. Австралияда ҳар йили 25 мингдан ортиқ ёнғинлар (катта қисми ўрмон ёнғинлари) содир бўлади ва улардан етказилган моддий зарар миқдори 5 миллиард долларни ташкил этади. Европа Иттифоқи мамлакатларида ҳар йили ўртача 250 мингга яқин ёнғин содир бўлади. Ушбу иттифоқ таркибига кирувчи бир неча мамлакатлар бўйича ёнғинлар статистикасини кўриб чиқамиз. Грецияда 2022 йилда 1200 та, 2023 йилда 1000 та, Испанияда 6100/5500 та, Италияда 6000/5000 та, Португалияда 6000/4000 та, Францияда 10000/10000 та ёнғинлар содир бўлади. Бутун дунё ёнғинлар статистика маркази (CTIF)нинг маълумотиغا кўра жаҳонда соатига ўртача 1000 та, бир дақиқада эса 17 та ёнғин содир бўлади. Ёнғинлар оқибатида бир соатда ўртача 10 нафар инсон ҳалок бўлаётган бўлса, ҳар 100 та ёнғинда 1 киши кўз юмиш ҳолати кузатилади.

Агар дунё миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, ёнғинларни камайтириш учун қуйидаги чоралар амалга оширилиши мумкин, жумладан:


- қайта тикланувчи энергия манбаларига ўтиш, энергия таъминотини ташкил этиш соҳасини тартибга солиш ва ривожлантириш, ўрмон ёнғинларини олдини олиш чораларини кучайтириш, тезкор мониторинг тизимини ривожлантириш – дронлар ва спутник технологиялари ёрдамида ёнғинларни тезкор аниқлаш чораларини кўриш;
- қутқарув хизматлари фаолиятини янада кучайтириш, техникаларни такомиллаштириш ва қутқарувчилар тайёргарлигини яхшилаш, жамоатчиликни ёнғинлар ҳақида огоҳлантириш тизимларини ривожлантириш қурилишда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, амалдаги қурилиш нормалари ва стандартларини такомиллиштириш, соҳага оид қонунлар ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузганлик

учун тегишли жазо чораларини кучайтириш, оммавий тарғибот тадбирлари сифатини ошириш, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланиш;

– автоматик ёнғин ўчириш тизимларини такомиллаштириш, ёнғин хавфи мавжуд ҳудудларни олдиндан аниқлаш учун сунъий интелект имкониятларидан фойдаланиш, маълумотларни таҳлил қилиш, мобил курилмалар орқали ёнғиндан огоҳлантириш тизимларини такомиллаштириш. Умумий нуқтаи назардан қараганда, бу технологиялар ёнғинларни камайитиришда самарали ва тезкор усуллар ҳисобланади.

Ўзбекистонда ёнғинлар таҳлили Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан амалга оширилади. Статистикага кўра республикамизда йилига ўртача 11 231 та ёнғин содир бўлмоқда, инсонларнинг тан жараҳати олиш ҳолатлари 273 нафарни, ҳалок бўлиш ҳолатлари 119 нафарни ташкил этмоқда. Кунига ўртача 31 та ёнғин юз берса, содир бўлаётган ҳар 94 та ёнғинда 1 нафар инсон ҳаётдан кўз юммоқда. Аҳоли яшаш уйларида йилига ўртача 8 229 та ёнғинлар содир бўлмоқда, бу эса асосий ёнғинларнинг 73,2 фоизини ташкил этади.

Қуйида келтирилган таҳлилий маълумотлар орқали, ҳар 10 йилда содир бўлган ёнғинлар сони, тан жараҳати олганлар, ҳалок бўлганлар ҳамда ёнғинларнинг энг кўп қисми тўғри келадиган аҳоли яшаш жойларидаги ёнғинлар тенденциясини таққослаб кўришимиз мумкин (1-расм).



1-расм. 1990 йилдан буён ҳар 10 йилда ёнғинлар таҳлилидаги ўзгаришлар кўрсаткичлари

1990 йилда ёнғинлар сони 25 512 тани ташкил этган бўлса, тан жараҳати олганлар 2 889 нафар, ҳалок бўлганлар 251 нафарни ташкил этган. Бу даврда аҳоли уйларида содир бўлган ёнғинлар сони 18 691 тани ташкил қилган. 2000 йилга келиб, ёнғинлар сони 16 574 тани ташкил этган, бу кўрсаткич 1990 йилга нисбатан фарқи –8 938 та (–65%)га, тан жараҳати олганлар 1 186 нафар, фарқи –1 703 та (–59%)га, ҳалок бўлганлар 206 нафар, фарқи –45 нафар (–82%)га камайган. Бу даврда аҳоли уйларида содир бўлган ёнғинлар сони 13 020 тани ташкил қилган. Бу 1990 йилга нисбатан –5 671 та (–69,6%)га камайган. 2010 йилда ёнғинлар сони 14 260 тани ташкил этган, бу кўрсаткич 1990 йилга


нисбатан фарқи –11 252 та (–56%)га, тан жароҳати олганлар 727 нафар, фарқи –2 162 та (–75%)га, ҳалок бўлганлар 180 нафар, фарқи –71 нафар (–71,7%)га камайган.

Бу даврда аҳоли уйларида содир бўлган ёнғинлар сони 10 851 тани ташкил қилган. Бу 1990 йилга нисбатан –7 840 та (–58%)га камайган.

2020 йилда ёнғинлар сони 11 090 тани ташкил этган, бу кўрсаткич 1990 йилга нисбатан фарқи –14 422 та (–43,5%)га, тан жароҳати олганлар 260 нафар, фарқи –2 629 та (–91%)га, ҳалок бўлганлар 126 нафар, фарқи –125 нафар (–50,2%)га камайган. Бу даврда аҳоли уйларида содир бўлган ёнғинлар сони 8 211 тани ташкил қилган. Бу 1990 йилга нисбатан –10 480 та (–44%)га камайган. Таҳлиллардан кўриш мумкин-ки, ёнғинлар сони ва унинг оқибатлари йилдан йилга камайиш динамикасини қайд этмоқда. Бу ўзгаришлар ёнғин хавфсизлиги чораларининг такомиллашуви, фуқароларнинг ёнғинларга қарши курашишда кўпроқ огоҳлиги ва технологиявий янгиликлар билан боғлиқ.

Энг асосийси, Ўзбекистонда ёнғинлар профилактикаси соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг кучайтирилганлиги, аҳоли ўртасида тарғибот тадбирларининг самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилиши билан баҳолаш мумкин. Ўзбекистонда ёнғинлар профилактикаси соҳаси кундан-кунга ривожланиб бормоқда, қонунчилик, инновацион технологиялар ва профилактик тадбирлар ёрдамида ёнғин хавфини камайитириш ва моддий зарарларни олдини олишга йўналтирилган ишлар янада мукаммаллашмоқда. Янги стандартлар яратиш, соҳада илмий изланишларни жонлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда аҳоли сони ўсиб бормоқда, шу билан бирга шаҳарларда замонавий бино ва иншоотлар қурилмоқда. Бу, албатта, мамлакат иқтисодий ривож ва урбанизация жараёнининг яққол кўрсаткичидир. Лекин, янги бино ва иншоотларнинг қурилишида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда, содир бўлган ёнғинларнинг объектлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, бундан 3-7 йил олдинги кўрсаткичлар қуйидагича бўлган (2-расм).



2-расм. Ўзбекистонда 2017-2021 йилларда содир бўлган ёнғинларнинг объектлари ҳақида маълумот


Ўтган йилги рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2023 йилда аҳоли сони 35 644 900 нафарни, аҳоли шахсий уйлари сони 6 211 169 тани, квартиралар 1 391 346 тани, хонадонлар 7 602 515 тани, ёнғинлар сони 10 204 тани, ҳар 10 000 аҳолига тўғри келадиган ёнғинлар сони 2,86 тани, ҳалок бўлганлар сони 79 тани, ҳар 10 000 аҳолига тўғри келадиган ёнғинларда ҳалок бўлганлар сони 0,02 тани, тан жароҳати олганлар сони 172 тани, ҳар 10 000 аҳолига тўғри келадиган ёнғинларда тан жароҳати олганлар сони 0,05 тани ташкил этган.

Ёнғинлар сони йилдан-йилга камайиб бормоқда, бироқ етказилган моддий зарур миқдори тобора ўсиш динамикасини қайд этаётганини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин (2-жадвал)

2-жадвал Умумий ёнғинларнинг йиллик ўртача кўрсаткичи
(2017–2023 йй.)

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	йилига ўртача
ёнғинлар	12 705	11 979	11 722	11 083	10 667	10 260	10 204	11 231
тан жароҳати	373	401	288	260	240	177	172	273
ҳалок бўлганлар	165	135	111	126	112	107	79	119
моддий зарар (млн сўм)	68854,3	88072,8	95781,2	146385,1	209650,7	214656,0	270405,9	156258,0

Ушбу жадвалдан кўриниб турибди-ки, 2017 йилда 12 705 та ёнғин содир бўлган, 2023 йилда 10 204 та ёнғин содир бўлган. Бу даврда ёнғинлар сони 2 501 та (19,6%)га камайган, тан жароҳати олган сони 373 тадан 172 та (46%)га камайган, ҳалок бўлганлар сонига ҳам 165/79 (52%)га камайиш кузатилмоқда. Бироқ етказилган моддий зарур миқдори йилдан йилга ўсиш динамикасини қайд этмоқда. Масалан, 2017 йилда 68 млн 854 минг 35 сўм моддий зарур қайд этилган. 2023 йилда эса, 270 млн 405 минг сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 201 млн 550 минг 650 сўмга ошган. Олиб борилган таҳлил натижалари 2023 йил содир бўлган ёнғинлар улушининг катта қисми аҳоли яшаш уйларига эмас, балки, давлат объектларига тўғри келишини кўрсатмоқда (3-расм).



3-расм. 2023 йил содир бўлган ёнғинларнинг улуши

Агар таҳлиллар натижасида содир бўлган ёнғинларнинг катта қисми аҳоли яшаш уйларида эмас, балки давлат объектларида тўғри келаётганлиги аниқланган бўлса, бу бир неча омиллар билан изоҳланиши мумкин. Давлат объектлари, саноат корхоналари ва муҳим инфратузилмаларга бўлган ёнғинларнинг кўпайиши ҳар қандай мамлакатда ижтимоий ва иқтисодий таъсирга олиб келиши мумкин.

Давлат объектларида, айниқса, йирик иншоотлар ва ишлаб чиқариш майдонларида ёнғин хавфсизлигига оид чоралар етарли бўлмаслиги, шунингдек, инфратузилма билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги, рискни баҳолаш ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига нисбатан эътиборнинг камайганлиги, хавфсизлик қоидалари ва давлат назоратининг самарасизлиги, давлат объектларининг кўпида хавфсизлик қоидаларига амал қилиш учун зарурий назарий ва амалий чоралар етарли даражада белгиланмаслиги, хусусий сектордан фарқли ўлароқ, давлат ташкилотларида ушбу қоидаларнинг тўлиқ риоя қилиниши назоратга олинмаслиги каби омиллар сабаб бўлиши мумкин.

Энг муҳим масалалардан яна бири бу давлат ёнғин назоратининг миллий ва халқаро тажрибаси интеграцияси билан боғлиқ. Ҳар бир мамлакатда ёнғин назоратининг ташкил этиш тартиби турлича асосларга боғлиқ. Масалан, Ўзбекистонда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун махсус қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун ушбу соҳада муносабатларни тартибга солиб турувчи асосий ҳужжатдир. Бундан ташқари, ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари қатор қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро шартномалардан ташкил топган бўлиб, улар инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, табиий офатларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш, шунингдек, иқтисодиётни ҳимоя қилиш бўйича давлат ва жамиятнинг биргаликдаги масъулиятини белгилайди.

Россия Федерациясида ёнғин назоратида халқаро стандартлар, шу жумладан ISO ва NFPA (National Fire Protection Association) стандартларидан фойдаланиш яхши йўлга қўйилган. Шунингдек, «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун (1994 йил),

«Фавкулудда вазиятлар тўғрисида»ги Қонуни (1994), «Техник назорат тўғрисида»ги Қонун (2008 йил), Ёнғин хавфсизлигига оид давлат стандартлари (ГОСТ) ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

АҚШда ёнғин назоратига доир федерал ва штатларнинг ҳар бири турли механизмлар билан назорат олиб боради. Бу ерда NFPA ва Underwriters Laboratories (UL) каби мутахассис ташкилотлар томонидан таъсирчан чоралар белгиланган. NFPA (National Fire Protection Association) – АҚШдаги ёнғин хавфсизлигига оид энг катта ташкилотлардан бири NFPA бўлиб, унинг асосий мақсади – ёнғин хавфсизлигига оид стандартларни ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқишда иштирок этишдир. NFPA стандартлари нафақат АҚШ, балки халқаро миқёсда ҳам қабул қилинади. NFPA стандартларига мувофиқ, қурилишлар, инфраструктура объектлари ва аҳоли биноларининг ёнғин хавфсизлиги таъминланади. NFPA ёрдамида, автоматик ёнғин сигнализацияси ва ёнғинларни ўчириш, ёнғин хавфини бартараф этиш бўйича самарали ечимлар ишлаб чиқилади. Унинг стандартлари, хусусан NFPA 101 (Ёнғин хавфсизлиги кодекси) ва NFPA 13 (Ёнғин ўчириш тизимлари) бошқа мамлакатларда ҳам қўлланилади. ISO 9001 ва UL (Underwriters Laboratories) – ташкилотлари ҳам АҚШдаги техник стандартлар билан шуғулланади. UL, ўз навбатида, ёнғин хавфсизлиги ва техника воситаларини сертификатлаштириш бўйича хизмат кўрсатади. Улар ўз сертификатларини берилган ёнғин хавфсизлиги стандартларига мувофиқ расмийлаштиради.

Японияда юқори хавфли табиий офатларга (ер қимирлаш, тайфунлар ва ёнғинларни бартараф этишга) йўналтирилган профессионал тизимлар мавжуд. Бу мамлакатда ҳар бир соҳада ягона стандартларга амал қилиш механизмлари қўлланилади. Японияда ёнғин хавфсизлигига доир катта ҳажмдаги таълим, тизимли тушунтириш ва профилактика ишлари олиб борилиши яхши йўлга қўйилган. Японияда Ёнғин хавфсизлиги кодекси (Fire Safety Code) мамлакат бўйича ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Сўнгги йилларда бу соҳада Япониянинг дунёга машҳур мобил технологияларининг шиддат билан ривожланиб бораётганлигини кўриш мумкин.

Австралия ҳам ёнғинларга қарши курашишда катта тажрибага эга. Австралияда миллий стандартлар талаблари мавжуд бўлиб, ҳар бир минтақа ва шаҳар «Федерал ёнғин хавфсизлиги агенти» ташкилоти ўзининг ёнғин хавфсизлиги соҳасида муносабатларни алоҳида ишлаб чиқилиши лозимлиги белгиланган. Германияда ёнғин хавфсизлиги тизими Европа Иттифоқи талаблари асосида ишлайди. Германия ушбу стандартларнинг мукамал бажарилишини таъминлаш учун масъулдир. Европадаги юқори хавфли қурилишлар учун ЕСнинг Fire Safety Directive стандарти амал қилади.

Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга оид бир қатор ҳамкорлик дастурлари ва тегишли қонунлар ишлаб чиқилган. Масалан,

Европадаги кўплаб давлатлар NFPA, ISO 9001 ва CE сертификатларини асосий стандарт сифатида қабул қилишади. Европа Иттифоқи мамлакатларида ёнғин хавфсизлиги хизматлари ҳар бир мамлакатда мустақил бўлса-да, улар бир-бири билан ўзаро тажриба алмашади, чунки ёнғин хавфсизлиги масаласига глобал хавф сифатида қаралади. Швеция ёнғин хавфсизлиги соҳасида ўзининг самарали тизимлари ва ишлаб чиқилган стандартлари билан танилган давлатлардан биридир. Бу мамлакатда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган қонунлар, техник стандартлар, таълим дастурлари ва амалиётлар жуда яхши ривожланган. Швецияда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун мукамал қонунчилик ва стандартлар мавжуд. Масалан, Швециянинг ёнғин хавфсизлиги кодекси (Fire Safety Code) мамлакатдаги бино ва иншоотлардаги ёнғин хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, бу кодекс қурилиш жараёнларида асосий ёнғин хавфсизлиги талабларини белгилайдиган ҳужжат ҳисобланади. Швеция Европанинг ёнғин хавфсизлигига оид талаблари ва директиваларини (EU Fire Safety Directive) қабул қилади ва амалга оширади. Бу давлатларнинг ёнғин хавфсизлиги бўйича умумий сиёсатга мос келишини таъминлайди. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ёнғин хавфсизлигини таъминлашда замонавий технологиялар, халқаро стандартлар, профилактика ва таълим муҳим ўрин тутаяди. Қонунчилик ва техник стандартлар бўйича ҳар бир давлат ўзининг миллий хусусиятларига мувофиқ тизимларни ишлаб чиқади, аммо ҳар бир давлат халқаро тажрибаларга таянган ҳолда ёнғин хавфини минималлаштириш чораларини кўриб боради.

Халқаро тажрибада давлатлар ўртасида ёнғин хавфсизлиги тизими муҳим умумий принципларга асосланади, лекин ҳар бир давлатнинг миллий хусусиятларига кўра, ўзига хос механизмлари мавжуд. Ҳар бир давлатнинг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги тажрибаси, унинг жойлашган ҳудуди, табиий ҳолатлар ва иқтисодий имкониятларига қараб, ўзгариши мумкин. Аммо умумий мақсад – инсонлар ҳаёти ва мулкни муҳофаза қилишдан иборат.

Мазкур илмий тадқиқот ишида қуйидаги масалалар кўриб чиқилди ва хулосалар тайёрланди:

1) давлат ёнғин назорати органлари фаолиятининг асосий назарий концепциялари ва ёнғинлар статистикаси асосида тайёрланган таҳлиллар аҳоли пунктлари ва назорат (давлат тасарруфидаги ва тадбиркорлик субъектлари) объектларини, энг биринчи галда, давлат объектларини ёнғин хавфидан муҳофаза қилишга қаратилган. Ўзбекистондаги ёнғинларнинг статистик таҳлили ҳар йили рўй берган ёнғинлар сони, уларнинг сабаблари, таъсири ва келтирган зарарлари ҳақида маълумотлар беради. Бу маълумотлар асосида ёнғин хавфини камайтириш ва олдини олиш бўйича натижадор чора-тадбирлар ишлаб чиқилади;

2) ёнфинлар тахлилининг асосий кўрсаткичлари ва статистик маълумотлар давлат органларига ўзларига тегишли ҳудудда ёнфин хавфсизлигини таъминлаш учун керакли стратегияларни ишлаб чиқишда ёрдам беради. Бунда содир бўлган ёнфинлар орасидаги нисбатлар ҳамда уларнинг кўпайиши ёки камайишига асосланган таҳлиллар муҳим аҳамиятга эга;

3) ёнфин хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база республикада ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солиш, ёнфин хавфини камайтириш ва эҳтимолий зарарларнинг олдини олишда муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани ривожлантириш орқали давлат органлари фаолиятидаги назоратни кучайтириш ва ёнфин хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамиятини оширишга қаратилган муҳим ўзгаришлар амалга оширилади;

4) давлатнинг ёнфин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган концепциялари, ҳуқуқий база ва статистик кўрсаткичлар содир бўлиши мумкин бўлган ёнфинларнинг олдини олиш, ёнфин хавфини камайтириш ва моддий зарарни минималлаштириш учун муҳим ҳисобланади. Қонунчилик ва норматив ҳужжатлар орқали давлатнинг ёнфин хавфсизлигини таъминлашдаги фаолиятини такомиллаштириш, ёнфинларнинг олдини олиш ва моддий зарарларни камайтиришга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Музафаров У.Т., Мирзаев С.З., Усманов М.Х., Курбанбаев Ш.Э. Нормативная основа огнезащиты строительных конструкций и новые научные достижения // Пожарная безопасность. – Ташкент. – 2015., – № 08. – С. 25–28.
2. У.А.Ёқубов, Ў.Т.Музафаров, И.Р.Толибжонов. Ёниш ва портлаш жараёнлари. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Тошкент: Чўлпон номидаги НМИУ. 2018-й. -252-б.А.Ҳ.Қўлдошев, Ў.Т.Музафаров, М.Б.Мусаходжаев. Ёнфин ўчириш техникаси // Дарслик. Тошкент. 2018 й.
3. А.Ҳ.Қўлдошев, Э.Э.Сабилов, С.С.Султонов “Ёнфин ўчириш тактикаси” Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент, 2017-й
4. Ў.Т.Музафаров, Р.С.Юсупов, И.И.Сиддиқов, “Қурилишда ёнфин хавфсизлиги” дарслик Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент, 2017-й.
5. С.Ахмедов, Ш.Тожиаматов. Ш.Равшанов “Ёнфиндан сақлаш хизмати ёнфин ўчирувчиларнинг ёнфин ўчириш қисмларда яқка тартибда бошланғич тайёргарлик бўйича” Қўлланма. Тошкент 2015-й.
6. Ў.Т.Музафаров, А.В.Литяга. “Ёнфин суриштируви ва экспертизаси” Дарслиги. Тошкент 2017-й.

7. А.Х.Қўлдошев, Ў.Т.Музафаров, Б. Т. Ибрагимов, Н. А. Шарапов “Ёнғин саф тайёргарлиги” дарслик.Чўлпон ижодий уйи Тошкент-2018-йил. 12-28-б.
8. А.Х.Қўлдошев, Ў.Т.Музафаров, М.Б.Мусахожиев. Ёнғин ўчириш техникаси. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институти, -Т.: Чўлпон номидаги НМИУ. 2018-й. -500-б.1.

